

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Кўлёзма ҳуқуқи

УДК: 334.75:336.5(575.1)

РАСУЛОВА (ОБЛОҚУЛОВА) ШАХЗОДА БАҲОДИР ҚИЗИ

САНОАТ ТАРМОҚЛАРИДА КИЧИК БИЗНЕСНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНДА ТИЖОРАТ
БАНКЛАРИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ

(Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Ургут филиали
маълумотлари мисолида)

5A230102 - Иқтисодиёт (реал сектор)

Магистрлик академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
Доцент. Т.Акрамов

ТОШКЕНТ – 2018

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларни ички ва ташқи бозорда рақобатлашга оладиган, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни изчил йўлга қўя оладиган мустаҳкам иқтисодий соҳага айланишини таъминлаш лозимдир. Юқорида қайд этилган ҳолатлар тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектлари фаолиятини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш масаласини мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганиш заруриятини юзага келтиради ва бу диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Today, it is necessary to ensure the full support of small businesses and private entrepreneurship and to become a solid economic field capable of gradually building the quality products and services that can compete internally and externally. The aforementioned cases require the commercial banks to consider the issue of improving the practice of lending activities of small businesses as an independent research object, and this determines the urgency of the topic of dissertation.

Магистрлик диссертация иши “Саноат иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган. 38 сонли баённома « 21 » май 2018 й.

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. Т.Акрамов


ИМЗО сана

Магистр: Расулова Ш.Б


ИМЗО сана

“Ҳимояга тавсия этилади”

“Саноат иқтисодиёти” кафедраси
муdiri, доц. И.Хотамов

“15” май 2018 йил



Ҳимоя 2018 йил “21” 06 соат 14⁰⁰ да Тошкент давлат
иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
I БОБ. САНОАТ ТАРМОҚЛАРИДА КИЧИК БИЗНЕС ТУШУНЧАСИ ВА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН УЛАРНИ ФАОЛИЯТИНИ КРЕДИТЛАШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	17
1.1. Саноат корхоналарини ривожлантиришда молиявий маблағлардан фойдаланишнинг назарий асослари.....	17
1.2. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектлари фаолиятини кредитлашни ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари.....	27
1.3. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига микромолиявий хизматлар кўрсатиш тартиби.....	34
Биринчи боб бўйича хулоса.....	41
II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН САНОАТ ТАРМОҚЛАРИДАГИ КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	43
2.1. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектлари фаолиятини кредитлаш амалиётининг таҳлили.....	43
2.2. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектлари фаолиятини микрокредитлаш амалиёти.....	59
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	78
III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН САНОАТ ТАРМОҚЛАРИДАГИ КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ КРЕДИТЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ.....	81
3.1. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектлари фаолиятини кредитлаш билан боғлиқ муаммолар.....	81
3.2. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектлари фаолиятини кредитлаш амалиётини ривожлантириш истиқболлари.....	88
3.3 Саноат тармоқларида кичик бизнесни юритиш ва қўллаб- қувватлашда инвестициялардан самарали фойдаланиш йўналишлари....	96
Учинчи боб бўйича хулоса.....	99
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	101
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	104

Кириш

Магистрлик диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб, мамлакатимизда қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини шакллантириш, иқтисодиётимиз реал секторини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳамда унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш учун зарур ташкилий ва ҳуқуқий механизмларни яратиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, қайси мамлакатда қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити яратилса, ўша давлат иқтисодиётига жалб этиладиган инвестициялар ҳажми ҳам ортиб бориб, барқарор иқтисодий ўсиш таъминланади.

Шу муносабат билан, юртимизда қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити яратиш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш, шунингдек, аҳоли бандилигини ошириш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Сўнги йилларда мамлакатимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, рақобатни янада ривожлантириш борасида банк тизимида ҳам кенг қамровли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунда энг аввало меърий-ҳуқуқий база янада такомиллаштирилди, Марказий банкнинг тегишли меърий ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. Киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш, кўрсатилаётган банк хизматларининг янги турларини жорий қилиш ҳамда мавжудларини такомиллаштириш имкониятини яратди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожланишига катта аҳамият берилаётганлигидан далолат беради.